


3

МЕХР МАНГУ,  
САХОВАТ БОҚИЙ



5

МУЛДОРЛАР МАНФААТЛАРИ  
ХИМОЯЧИСИ



13

БЛАТТЕРНИНГ ТАШРИФИ  
ёки ўзбек футболига бир назар



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Нашр индекси - 131

# ЖАМИЯТ



ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2007 йил 6 апрель № 14 (27)

9 апрель – Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

## АДОЛАТ ВА ҚУДРАТ ТИМСОЛИ



Истиқолол шароғати билан бой тарихимизни, боболаримиздан қолган маданий-маърифий меросни қайта тиклаш ва асл ҳолиҳа ўрганиш, буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борода амала оширилаётган кенг кўламли ишлар самараси ўлароқ, буюк аждодимиз – Соҳибқирон Амир Темуринг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида бобокалонимизнинг улуғвор ҳайкаллари қад ростлади. Пойтахтимиздаги муҳташам кошина – Темурийлар тарихи давлат музейи нафақат мамлакатимиз жамоатчилиги, балки хорижлик меҳмонларинг ҳам севимли масканларидан бирига айланди.

>>> 11-сафарда

### ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

■ Европа иттилоғи кенгашига раислик қилиб турган Германия Федератив Республикасининг мурожаатига мувофиқ Германия Ташқишилар вазирлигининг Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари бўлими раҳбари жаноб Рольф Шульце раҳбарлигидаги Европа иттилоғи эксперталари делегацияси 31 марта 4 апрелга қадар мамлакатимизда бўлди.

■ Ўзбекистон Республикасининг «Марказий Осиёда ядро куролидан холи зона тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги ва «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» Ташкилотининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисидаги Баённомани (Минск, 2006 йил 23 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Қонунлари 3 апрель куни матбуотда расмий эълон қилинди.

■ Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган «Ҳақ ижодиёти» поезди Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманлари бўйлаб ижодий сафарда бўлди. 3 апрель куни мазкур поезд гурӯҳи аъзолари ўзининг 2000 йиллик тўйига қизгин тайёргарлик кўраётган Марғилон шаҳрида бўлиб, юбилей муносабати билан амала оширилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари билан танишдиди.

■ 4 апрель куни пойтахти миздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Энергетика. Кимё. Машинасозлик – IndustrialExpo Uzbekistan» Захалқаро ва «Лаборатория Экспо» 1-Марказий Осиё ихтисослаштирилган кўргазмалари иш бошлади.

Сиёсий партияларнинг «Ёшлар қаноти» етакчи ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги шитирокини кучайтириш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ёшларни олиб боришда, ёшлар етакчиларни кенг жалб этиши масалалари сиёсий партияларнинг долзарб вазифалардандири.

## ЁШЛАР ФАОЛЛИГИГА ЗЪТИБОР

Дониёр ТОШБОЕВ

«ФИДОКОРЛАР» Миллий демократик партиясининг «Ёшлар қаноти» Фуқаролик жамиятини ўрганиши институти билан ҳамкорликда ўтказган «Ижтимоий ҳимояни таъминлаш ва фаровон турмуш шароитини яратиша ёшларнинг иштироки» мавзуидаги давра сұхбати шу масалага бағишиланды.

Тадбирда Узбекистон Республикаси Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутатлари, «Фидокорлар» Миллий демократик партияси вакиллари, мутахассис олимлар, сиёсий партияларнинг шаҳар ва туман кенгашлари қошида «Ёшлар қаноти» бўлими раҳбарлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари қатнаши.

Давра сұхбати доирасида иштирокчилар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишининг ҳукуқий асослари, 2006 йилда иқтисадий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари бўйича фикр алмашилилар. Шунингдек, баркамол авлонди тарбиялаш ҳамда Узбекистоннинг барқарор тараққиётида ёшларнинг иштирокини фаоллаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Ёшларни миллий ғоя атрофида жипслаштириш ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган тадбирлар дастури бўйича фикрлар алмашиди.



Сиёсий партиялар фоалиятининг давлат томонидан молиялаштирилиши уларнинг масбулиятини ҳам ошириди.

2006 йилдан бошлаб сиёсий кучларнинг Олий Мажлис Конунчилик палатаси, Узбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига молиявий ҳисобот бершиларнинг қонуний механизми юзага келди. Табишики, бу Узбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларига ҳам молиявий-хўжалик фоалиятини самарали юритиши, маблағлардан оқилона фойдаланишида алоҳида масбулият юклади.

## ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРГА ЗРИШИШ

молиявий манбалардан самарали фойдаланиши талаб этди

Беҳзод ШУКУРОВ

ЎзҲДП Марказий Кенгаши томонидан ўтказилган «ҲДПнинг 2006 йилдаги устувор фоалиятини амалга оширишинг молиявий манбалари тўғрисидаги ҳисоботнинг якунлари ва 2007 йилда улардан фойдаланиши самародорлигини ошириш вазифалари» мавзуидаги семинар-кенгаща булар ҳақида батафсил фикр юритилди. Партиянинг миңтақавий кенгашлари раислари, мънавий масалалар бўйича масъул ходимлари, фаоллар, шунингдек, Ҳисоб палатаси, Молия, Адлия вазирларлари вакиллари қатнашган ушбу анжуманда ҲДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Фуло-

мов маъруза қилди.

Эттироф этилдики, мамлакатимизда кейинги йилларда кўпартиявийлик ривожланишининг ҳукуқий асослари мустаҳкамланди, тақомиллаштирилди. Ҳусусан, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида» ги Конуннинг қабул қилиниши партияларга янгича шароритларда ишлаш имконини яратди. Устувор фоалиятини амалга ошириш борасида молиявий имкониятларни кенгайтириди.

Ўтган йиллар давомида Узбекистон ҲДП учун давлат бюджетидан ажратилган маблагнинг асосий қисми партиянинг маҳаллий ташкилотларини кўллаб-куватлашга йўналтирилди.

Шу боис, маҳаллий кенгашларнинг бошлангич партия ташкилотлари, электорат орасида олиб бораётган ишлари сезилари даржада жонланди, тарғибот-ташвиқот ишлари фоллашди. Партияда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимини ташкил этиши бўйича ташкилий-услубий ишлар амалга оширилди. Вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҲДПнинг дастурий мақсадлари тўғрисида замонавий-ташвиқот во-ситаларига эга будилар.

Семинар-кенгашда партия ташкилотлари томонидан молиявий хўжалик фоалиятида йўл кўйилган айрим хато ва камчиликлар ҳақида ҳам мулоҳаза юритилди. Уларни таракорламаслик юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиди.

Анжуманди сиёсий партиялар фоалиятини молиялаштиришнинг ҳисоб ва ҳисоботини такомиллаштириш, тушум ва ҳаражат устидан назоратни ташкил этиш, ҳаражатлар сметасини шакллантириш методикаси, юридик ва жисмоний шахслар билан шартномавий муносабатларнинг норматив-ҳукуқий асослари, Адлия вазирлигига ҳисобот бериш тартиби, бюджет маблагларидан фойдаланишнинг хусусиятлари ҳақида батафсил фикр юритилди.

## ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК

26-28 марта кунлари Узбекистон Бадиий академиисида Узбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ўрта маҳсус қасб-хунар таълимни биномараси ҳамкорлигига «Таълим ва мутахассислик» деб номланган кўргазмадаги мавжуд қасб-хунар коллежлари ва академик лицеилар, институтлар, марказлар ҳамда Россиянинг бир қатор олий ўқув юртлари вакиллари иштирок этди.

Икром ИМОМОВ

ҚАТНАШЧИЛАР замонавий таълим ҳизматлари, ўқув методологик адабийтлар, компютер тизимлари ва дастурларини ўрганиши соҳасида қўлга киритган сўнгги ютуқларини измийни қилиши.

Айтиш керакки, бу каби тадбирлар ёшларнинг интеллектуал салоҳитини бойитиш, уни рўебга чиқишига кўмаклашига қаратилган. Мазкур тадбирнинг яна бир аҳамияти жижати шундаки, унда ўқув курорлари ва жиҳозлар ишлаб чиқарувчилар билан истемолчилар ўртасида тўғрилантирилган зоқа ўрнатилишига амалий имкониятлар яратилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан жорий йил мамлакатимизда Ижтимоий ҳимоя ишини деб эълон қилинганлиги муносабати билан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши кўламиши янада кенгайтириши ва кучайтириши, шу орқали жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириши бўйича аниқ мақсадда гўйналиширилган чора-тадбирлар мажмуми изчил бажарилмоқда.

Жисмоний ва маънавий жиҳатдан согласом авлондин камол топтириши чора-тадбирларини янада чукурлаштириш, оналик ва болалик тўғрисидаги фамхўрликни кучайтириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳар томонидан рабғатлантирилмоқда. Бу жараёндан наинки мамлакатимизнинг давлат ва но давлат ташкилотлари, ҳомийлар, айни ҷоғода, хорижий давлатлар компаниялари ва халқаро ташкилотларнинг юртимизда фоалити кўрсатётган ваколатхоналари ҳам четда турмәттани эътиборга мөлиқ.

Тошкент шаҳридаги 1-клиник касалхонасида «Проект НОРЕ» (АҚШ) ноҳукумат ташкилотининг қиймати 10 миллион долларлик гуманитар ёрдамини Узбекистон

## МУРУВВАТ ЁРДАМИ ТОПШИРИЛДИ

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига топшириш маросими бўлиб ўтди. Ушбу мурувват ёрдамини пойтахтимиз, шунингдек, Навоий, Хоразм, Бухоро, Самарқанд вилоятлари ва Қоракалпогистон Республикаси тиббиёт мусассаларига тарқатиш режалаштирилган. Бу ёрдам таркибида антибиотик, антивирус, гипертонияга ва ўсмага қарши дори воситалари, шунингдек, витаминлар мавжуд.

«Проект НОРЕ» ноҳукумат ташкилотининг ваколатхонаси мамлакатимиздаги фоалиятини 2000 йилда бошлаган. Ўтган даврда ушбу ташкилот томонидан бир неча маротаба инсонпарварлик ёрдами тақдим этилган.

— Бундай хайрли тадбирларнинг амалга оширилиши аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда мухим аҳамиятта эта, — дейди Узбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров. — Мазкур гуманитар ёрдам туфайли қанчалан-қанча одамлар дардига дармон топади.

Тадбирда АҚШнинг Узбекистондаги Фақуулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнелл, ЙОСАИД ва «Проект НОРЕ» ноҳукумат ташкилоти вакиллари иштирок этди.

ЎзА

Бүндан уч ийл  
муқаддам ташкил  
этилгән «Мөхр нүүр»  
подавалан хайрия  
жамгармаси инсонларга  
мехр-саҳоват  
улашиша, беминнат ва  
багараз ёрдам  
күрсатишда намунали  
фаолият юратып, эл  
ээтиборин қозонч  
бормоқда.

Норбай УМАРОВ

**ЖАМФАРМА** кам таъминланган ва кўп болали онлаларни моддий жиҳзатдан кўлиб-кувватлаши, соғлиқни сақлаштишколагри, таълим мусасаларини ҳомийлик ёрдами кўрсатиш, оиласид қадриятларни асраб-авайлаши, иктидорни ёшлигра ҳар томонига маъда ёрдам кўрсатишни ўз олдидаги асосий мақсад ва вазифа этиб белгилайди. Унинг асосий ширизи: «Савоб ишни ҳар ким ҳар куни килишига керак!»

ким, ҳар куни қилиши керак!»  
Ўтган йилнинг сентябрь ойида Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Наманган, Тошкент, Андижон ва Хоразм вилоятлари

# ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРНИ КЎЛЛАБ-КУВВАТЛАШ ФОНДИ

Танлов доирасида гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа мұхым ақамиятта зәға бүлған вазифаларни ҳал қилишда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бүйіча қуидидеги соҳаларда фаолият күрсатаётгандар. Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) кўллаб-куvvatланадилар:

1. ННТларининг ахолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган ташаббусларини кўйлаб-кўвватлаш.
  2. ННТларининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ҳамкорликларини кенгайтириши.
  3. Қонунчилик хужжатларининг бажарилишини жамоатчилик асосида назорат қилишида ННТларинг иштироки.

*Бериладиган гранитлар миқдори: — ўрта гранитлар — 7 млн. сүмгача: —  
каптта гранитлар — 10 млн. сүмгача.*

Танловда адлия органларидаги рүйхатдан ўтган ва Ўзбекистон подавлат потижкорат ташкилотлари миллий ассоциацияси аъзоси бўлган ННТлар иштирок этиши мумкин.

Танлов ўтказиш шартлари билан Ўзбекистон подавлат нотижорат ташкилотларини кўллааб-кувватлаш фондида, шунингдек, [www.ngo.uz](http://www.ngo.uz) расмий сайтида батагасил танишши мумкин.

**Республиканың түрли мінтақаларыдан қатнашувчи таңлов шиширокчилари хуж-жаттарни электрон почта оркада юборышлари мүмкін.**

**Вазирлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари, ОАВ, маҳалла шиталари, давлат муассасалари, шуниндек, лойиҳа бўйича шерикларнинг таҳдимсан кўллаб-қувватлаш хатлари эътиборга ва ҳисобга олинади.**

Саволлар туғилған тақдирда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкілттарни күллаб-куватлаш фонди лойхаларини муроффаштирувчиларига мурожаат қилиш мумкин.

Телефон: 133-18-54. E-mail: fundngo@rambler.ru

# МЕХР МАНГУ, САХОВАТ БОКИЙ



ларида 300 дан ортиқ күп болали ва кам таъминланган оиласалар жамгарма ёрдамидан баҳраманд бўлди. Бундан ташқари жамгарма томонидан вилоятларда кам таъминланган оиласалар учун маҳсус ҳисоб рақамлари очилди ва эндиликада улар ҳар ой ёрдам пули олиб турадилар.

*Махаллаларга күрсатилиган ёрдам жамият бар-қарорлуги ва фаровонлиги-ни таъминлашга хизмат қиласди. Шу боис ҳам «Мөхр нури» жамгармаси ҳар ийли «Махалла оиласи» хайрия табдирини ўтиказиб келади.*

**МАҲАЛЛА ФАРОВОН –  
ЮРТ ОБОД**  
**ФУҚАРОЛИК** жамиятини шакллантириша ўзиңи ўзиң бошқариш органларининг ўрни катта. Маҳаллаларга кўрсатилган ёрдам жамият барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қиласди. Шу боис «Мехр нури» жамғармаси ҳар йили «Маҳалла оиласи» хайрия тадбирини ўтказиб келади.

Наманган вилоятида «Юз билан юзлашганлар» деб номланган тадбира юз ёшдан ошган 400 нафардан ортиқ пирұ бадалаттада отахону онахонлар учун дастурхон ёзилиб, уларға жамғарманинг Васиіллик Кенгашы томонидан эсдалыт соғылалар топтырылды.

Жамбарга вакилилари маҳалладаги хонаданолларга ҳам ташриф буюриб, уларнинг турмуш шароитлари билан яқиндан танишилди. Оиласларга «Зингер» тикув машиналари, телевизор, кундадлик турмуш эҳтиёжлари учун зарур бўлган буюмлар тухфа килинди. Тикув машиналари олган уй бекалари кам тъыминлантан оиласларнинг фарзандлари учун янги ўкув йилига кийим-бosh тикиб берисиди.

**СОГЛОМ АВЛОД —  
МИЛЛАТ ТАЯНЧИ**

«МЕХР нури» жамғарма-

**ИЛМЛИ ЁШЛАР –  
МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ**  
**ИҚТИДОРЛИ** йигит-қизларни күллаб-куватташа  
миллий профессионал кадрлар базасыны шаклантариш «Мехр нури» жамғармаси  
нинг асосий йұналиштаридан бири бүлгандылығы болыс таълим соҳасын  
ривожлантаришта ҳам жиһдий әထтибор берилмоқда. Жумладан, «Ўзбекистон»  
маданияти ва санъети форумы» жамғармаси билан ҳамкорликда ےълон қылған  
таълим гранти асосида юртимиздеги түрли олий ўқув юртларига шартнома асосида  
қабул қылғанан 28 нафар талабага биринчи йил ўқышла  
ри учун шартнома пули тұлғанды. Жамғарма бу ўшларни келтүсіде ҳам құллаб-куватташа  
режалаштырган.

Наманган шаҳридан 26-мактабга жамғарманинг ёрдами билан янги парталар, кам таъминланган ва моддий қумкак муръох ўқувчирада эса ўқув куроллари олиб берилди. Шунингдек, Кувасой шаҳридан 1-мактаб жамғарма томонидан таъмирларидан, замонавий парталарга эга бўлди.

шараларға да буды.

Тошкент шаҳрининг «Бўстон» маҳалласида жойлашган «Қўнгироқчалар дие-ри» номли болалар боягаси-нинг қайта таъмирланниб, янгидан жиҳозланганни болажон-дан мурд ўтига кос соғор бўлти-

Хуллас, «Мехр нури» нодавлат хайра жамгармаси нинг халқимизнинг меҳрашафқат, ҳамзардлик ва мавнавий яклиллик анъаналарига йўғилган хаирли тадбирларининг сони муттасил кўпайиб бора янти. Савобнин чеки бўлмагани каби, бу эзгу ишлар ҳам давомийдир.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичини оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Тезкор ахборот алмашуви жамоатчилик фикрининг шакланиши, аҳоли сиёсий онгининг ошиши ва маънавиятишинг юксалиб боришида муҳим аҳамият касб этади.



# ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУХОФАЗАСИ

оммавий ахборот воситалари эътиборида

Икром ИМОМОВ

ЮРТИМИЗДАГИ ўзгаришлар, янгиланишлар, амалга оширилётган ислоҳотлар оммавий ахборот воситаларида қай даражада ёритилалпти? Хусусан, аёлларнинг жамият ҳаётидаги иштироки, уларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар тўла маънода ўзифодасини топайтими? Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларни кўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Хотин-қизлар кўмитаси, Журналистлар ижодий ўюпмаси ҳамда «Оила ва жамият» газетаси ҳамкорлигидан ташкил этилган форумда ана шу масалалар атрофида фикр юриттилди.

«Аёлнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оналик ва болалик муҳофазаси масалаларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» мавзууда ўтказилган ушбу тадбирда она ва бола саломатлигини асрар, хотин-қизларни оиласлави шароитда ҳам иш билан таъминлаш, тадбиркор аёлларни кўллаб-кувватлаш борасида олиб бориляётган ишларнинг матбуотда ёритилиши му-

ҳокама қилинди. Аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга бағишланган давлат дастури доирасидаги ишларнинг ёритилиши, муаммолар ечимини топиша оммавий ахборот воситаларида ёзлон қилинётган материалларнинг аҳамияти хусусида мутахассисларнинг маъруслари амалга оширилаётгани эътиборлари тингланди.

Таъкидланганидек, аёлнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофазаси масалалари маҳаллий нашрларда етарлича ёритилалпти. Аввало, бу йўналишда ихтисослашган 20 га яқин нашрлар орқали соҳада олиб бориляётган ишларни кенг қўламда ёритиб бориши лозимлиги айтиб ўтиди.

Маънумотларга кўра, ҳозир дунё аҳолисининг ҳар учтадан биттасиде кузатилётган анемииз, кўпроқ ҳомиладор аёллар орасида кузатилмоқда ва у туғилётган болалар саломатлигига ҳам салбий таъсир ўтказмоқда. Бунинг камайишига эриши, олдини олиш учун эса матбуот орқали аҳоли ўтасида кенг тушунишириш ишларини олиб бориши, тавсиялар берини ўтасида кенг тушунишириш ишларини олиб бориши келишиб олинди.

Бул сифатида эътироф этилмоқда. Айни пайтда шу ва шунга ўхшаш муммомлар ечимини топиша Ўзбекистон Журналистлари ижодий ўюпмаси, ЮНИСЕФ ҳалқаро болалар ташкилоти ва республика соғлиқни саклаш тизими ходимлари билан ҳамкорлика бир қатор лойиҳалар амалга оширилаётгани эътиборлари моликидир.

Анжуман давомида ёш авлодни ватанга муҳаббат, истиқололояларига садоқат руҳида тарбиялашча оналарнинг маъсулиятини янада оширишига доир мавзуларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди. Мазкур масалаларнинг ечимини доимий назорат қилиб бориши мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ахборот агентликларни кўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди қошида жамоатчилик асосида фаолият юритувчи хотин-қизлар йўналишга ихтисослашган босма нашрлар, манбаатдор ташкилотлар вакилларидан иборат кенгаш ташкил этиши ҳақида келишиб олинди.

**Хабар**  
Фаргонада Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Конунчилик палатаси Ахборот ва  
коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси,  
Ўзбекистон Журналистилар ижодий ўюпмасини «Фаргона»  
вилоят бўлуми ўзинишига билан «Оммавий ахборот воситалари  
фаолияти ҳуқуқий асосларни тақомиллаштиришининг  
долзарб масалалари» мавзууда семинар ўтказилди.

## МАТБУОТ - ҲАЁТ КЎЗГУСИ

ТАДБИРДА жамиятни эркинлаштириш, демократлаштириш, аҳоли дунё қарашини шакллантириш, уларни бир мақсад йўлида жителиштиришида оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари, бу борада жойларда амалга оширилётган иш тажрибалари атрофичи мұхокама қилинди.

Фаргона водийисидаги оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган анжуманди, янти таҳриргари «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Конунийн мазмун-моҳияти, ижросига доир тажрибалар, ижод эркинлиги кафолатлари, сўз масъулияти, муассис ва таҳрирят муносабатларининг ҳуқуқий асослари, малакалар журналист кадрлар тайёрлар бораасида фикр-мулоҳазалар бидориши.

Жамиятнинг оммавий ахборот воситалари сонининг кўпайиши соҳада ўзига хос рақобатни вужула гелтиримоқда, — дейди “Водий оқшоми” газетаси мұхаррири Назиржон Ҳошимов. — Айни кунда муштарайларининг талаб ва истаклари асосида нашрларнинг мазмун-моҳияти, шакли, алади ижобий томонига ўзгариб бораётганини кузатмоқдамиз.

Анжуман доирасида вилоят телерадиокомпанияси, етакчи босмахона ва таҳририятлар фаолияти билан танишилди.

“Туркестон-пресс”

## ГАЗЕТА ҚАЧОН КАШФ ЭТИЛГАН?

Ҳар куни шига, ўқишига шошилиб борар эканмиз, бирор тўхтаб, ўзимиз севиб ўқайдиган газета ёки журналини матбуот дўконидан харид қилишимиз оддий ҳол. Бугун оламда нима гап? Газетани варақлай бошлаганимизда, ушиб савол ўз-ўзидан хаёллизимиш банд этади. Алмо газета қачон ва қатар қатар пайдо бўлганини, негадир ўйлаб кўрмаймиз. Аслида бу дунёда нимақи мавжӯу экан, демак, унинг тархи ҳам мавжуд. Табиийки, газетанинг ҳам ўзига яраша қизиқ тархи бор.

Маъруф МАҲМУДОВ

ГАРЧИ дастлаб газета қачон ва қаерда кашф этилганни ҳамон сирлигича қолаётган бўлса-да, олимлар орасида газета XV аср охириларидан пайдо бўлган, деган тахмин юради.

«Газета» атамасининг келиб чиқиши ҳам анча ғалати. XVI асрда Венециядга чақа пуллар зарб қилинган ва бу пуллар «газета» деб аталган. 1536 йилда Венециядаги «Ҷизлган хабарлар» нашр қилина бошлаган ва унинг нархи бир «газета» бўлган. Кейинчалик эса «газета» атамаси нашр номига кўчган ва ушандан бўён босма қофозлар газета деб юритилади.

## ТАНИШИНГ, ЯНГИ ВЕБ-САЙТ: REGION.UZ

Кейинги пайтларда интернет тармогида миллий веб-сайтлар сони кўпаяётгани куваонарли. Уларнинг аксарияти турли вазирийклар, ташкилотлар ва мустақил оммавий ахборот воситаларига тегишили бўлса-да, шу пайтгача улар ягона мintaқавий ахборот тизимига бирлашмаган ёди.

АХБОРОТ соҳасидаги мана шу бўшлини тўлдириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларни кўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Bisnes-Vestnik Vostok va BVV Business Report газеталарининг бирлашган таҳририяти, InfoCom.uz журнали таҳририяти, Gorizont.uz мустақил нашри ва Aloqa Print МЧЖ ҳамкорликда Region.uz ахборот марказини ташкил этди.



Веб-сайт ўзбек, рус ва инглиз тилларида бўлиб, Ўзбекистон аҳолисига ва хорижий аудиторияга мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисолий ҳаётида юз бераётган воқеалар тўғрисида ўз вақтида холис ахборот бериш, мамлакатинизини барча ҳудудларидаги ахборот ресурсларини бирлаштириш орқали ягона ахборот тизимини ташкил этиш ҳамда ҳудудий янгиликларнинг ягона ахборот маконини яратиш кўзда тутилган.

Шунингдек, ахборот соҳасида мамлакат миллий мағнаатларини ҳимоя қилишига йўналтирилган ижтимоий аҳамияти молик таҳчилий материалларни кўпайтириши таъминлаш ҳамда пойтахт ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари ўтасида ахборотни тезкор айрбочлаш учун ахборот инфраструктуранарни шакллантиришга йўналтирилган ҳудудий ахборот агентликларни ривожлантириш ҳам Region.uz нинг асосий вазифаси хисобланади.

Тарих ва замон

Шу тарика газеталар борган сари кўпаяди. Тарихчиларнинг сўзларига қараганда, ўша пайтларда жуда ажабтовор ва ғалати йўналишдаги газеталар чиқа бошлади. Масалан, Мадридда чоп этиладиган нашрлардан бири ўзининг сўнгти янгиликларини дастрўмолга босади. Бунда сувда тез ёрувчан рангдан фойдаланилди.

Ўз даврида Парижда «La Gumanis» («Шинринлик») деб аталувчи антика газета чиққани маълум. Мазкур газета вафлига безнён типографик бўек ёрдамида босилган бўлиб, муштариylар янгиликлардан воқеаларни таҳририлди.

Кейинроқ газеталарнинг мавзулари ҳам, андозалари ҳам мурakkablaшша борган. Бунинг ўзига яраша сабабларини бор эди, албаттат. Газеталар кўплиб ўқувчиларга эга бўлиши учун ҳамма соҳадан ҳабар ва мақолалар берилиши аста-секин кундузлик ҳолга айланади.

Айни пайтда газеталар шунчалик оммалашшиб кетдикли, уларнинг сон-саноғи йўқ. Бугун дунёда ҳар бир тармоқ, турли шахслар ўз газетасига эга бўлиб, улар турли ўтамда, рангбаранг шакл ва мавзуларда чоп этилмоқда. Бинонбарин, жамиятдаги ижтимоий-иқтисолий тараққиёт турли ахборотларга эҳтиёжининг тобора ортиб бораётгани шуни тақозо этмоқда.

# МУЛДОРЛАР МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯЧИСИ

«Тадбиркорлар ва ишбильармоналар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси» мамлакат сиёсий саҳнасига бир гурӯҳ тадбиркорлар, фермерлар, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари ташаббуси билан мулдорлар манфаатлари ҳимоячиси сифатидаги кириб келди. 2003 йилнинг 15 ноябринда партиянинг таъсис съездиде ўтказилди.

АЙНАН шу даврларда мамлакатимизда ЎзЛиДепнинг асосий электорати бўлган мулдорлар қатлами вужудга келиб, тўла шаклананинг улугрган эди.

Партия ташкил этилаётган паллада «Янги партияга эҳтиёж бормикан» дегувчилар, унинг эртаги кунига ишончнислиқ билан қарагандлар ҳам йўқ эмас эди. Аммо ўттан қисқа давр, айниқса, парламент сайловлари ЎзЛиДеп фоялари ҳаётӣ, ҳалқил ва жамиятга зарур эканини амалда ислобтади. Сайловлар натижаларига кўра, партия парламент кўйи палатасидаги бошқа партияларга нисбатан энг кўп ўринин қўлга кириди.

## БҮНЁДКОР ҚАТЛАМ

ПАРТИЯ ташкил этилаётган дастлабки кунларданоқ Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг жадал суръатлар билан оширилиши учун маъсулларни ўз зуммасига олишини эълон қўлган эди. Партиянинг асосий мақсадларидан бирин сиёсий куч сифатидаги бирлашган ҳолда тадбиркор ва ишбильармоналарнинг янада кенгроф фолијат юритишлари учун янги имкониятлар очиб бериши, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериши, жамиятнинг ушбу табакаси манфаатларини ҳимоялаш баробарида уларнинг эртаги кунини таъминлашди.

ЎзЛиДеп ўз Дастурий мақсад-вазифалари ва сиёсий платформасига таяниб, мулдорлар манфаатлариниң ҳимояси билан боғлиқ қонуњлар қабул қилинишида ҳамда бошқа ҳуқуқий-метёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишида амалий таълифлари, дастурлари билан фаол иштирок этиб келмоқди. Ўттан вақт мобайнида парламентда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришга қартилган қатор қонуњларнинг қабул қилинишида партия фракциясининг ўзига хос ўрни бор. Айниқса, янги таҳрирга Солиқ кодекси, янги таҳрирга Божхона кодексининг лойиҳалари партия электорати ва тузилмалари иштирокида қизигин муҳокама қилинди.

ЎзЛиДеп Сиёсий Кенгаси Ижроия кўмитаси ва Ўзбекистон Фермер ҳўжаликлари ўюшмаси ўтрасидаги измозланган битим ҳам қишлоқда бош ислоҳотчи бўлган, тобора катта кучга айланниб бораётган фермерларнинг манфаатларини ҳимоялашга, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилиди.

Партия Сиёсий Кенгаси Ижроия кўмитаси қошида Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-куватлаш марказинин ташкил этилиши ҳам партиянин бу йўналишдаги мақсад-вазифалари баландпаров юйлардан йироқ эканини, аксина, амалий тус касб этишини тасдиқлайди.

Ҳозирда 150 минг нафар партия аъзоларининг 60-70 фоизини тадбиркор ва фермерлар ташкил этмоқда.



ми, уларнинг катта қисми ёшлардир. 2004 йилда партия аъзолари умумий сонининг 25 фоизини ёшлар ташкил этиган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 40 фоизга якянланади.

Мулдорлар мамлакат иқтисодиётини, аҳоли турмуш даражаси ва фаровон-лигини юксатиришга қодир, барқарор, ҳаётӣ қатламдид. Буни ЎзЛиДеп фаолиёт бўлган тадбиркорлар ва фермерлар томонидан амалга оширилаётган қатор ҳайрии ишлар мисолида ҳам кўриш мум-

## СИЁСИЙ ФАОЛИКНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

МАМЛАКАТИМIZДА мустақиллиги, мизнинг дастлабки йилларидан кўптартиялийлик тизимини мустаҳкамлаш борасидағи ислоҳотлар ишил амалга оширилиб келимомда. Ташкиллаш жоизи, бу борада етарлиқ ҳуқуқий асос яратилган. Шу маънода Ўзбекистон Президентин томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиши сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун фикрларидан ходиса эмас. Аксинча, бу қонун бошқарма-бошқарма ишил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давомиди.

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганинг 14 йиллигига бағишиланган тантанарни маросимда ҳам сиёсий партиялар фаолиятидаги иотуқ ва камчиликлар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирида. Бундан ҳар бир партия ўзига тегишича ҳулоса чиқарб олгани, шубҳасиз. Партияни Сиёсий Кенгашининг навбатдан ташкил ўтказилган VII, VIII ва IX маъжисларидан ҳам давлатимиз раҳбарининг мазкур маъруси чукур ўрганиб чиққиди. Унда партиянинг мазруздан келиб чиқадиган

кини.

Партия электорати вакиллари «Ҳомиллар ва шифокорлар йили» Даствурини амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этишиди. Даствур ижрои сизасидан ЎзЛиДеп фаоллари томонидан ўтган 2006 йилда 3,5 млрд. сўмдан ортиқ ҳомийлик ишлари амалга оширилди. Кам таъминланган оиласларга молиявий ёрдам бериш, болалар боягчasi ва мактабларни, шифокораларни таъмирлаш, уларни зарур жиҳозлар олиб бериши ва бошқа усууда 1,4 мингдан ортиқ тадбиркор ва фермер 2,2 млрд. сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатган бўлса, 2,7 мингдан ортиқ тадбиркор ва фермер кам таъминланган оиласларга 2861 та қорамол олиб берди.

Партия фаоллари «2004-2009 йилларда Мактаб таълимими ривожлантириши умуммиллий давлат дастури»ни амалга ошириши ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар.

ЎзЛиДеп Сиёсий Кенгаси Ижроия кўмитасининг шу йили 10 февраль куни пойтахтнинг Сергели туманида ўтказилган саёл йиғилишида бу каби хайрли ишларни «Ижтимоий ҳимоя йили»да ҳам ован этириш белгилаб олини. Партия фаоллари ҳозир жойларда янгидан-янги ташаббусларни бошлаштириши. Жумладан, бир гурӯҳ партия фаоллари Сергели туманида шу йилнинг ўзида 380 млн. сўмлик ҳомийлик ишларини амалга ошириши ташаббусини билдириши. Бунинг сирасига туманга кам таъминланган айрим оиласларга 12 хонадонли ўй совфа қилиш ҳам киритилган.

## ҲОЗИРДА 150 МИНГ НАФАР ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ 60-70 ФОИЗИНИ ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕРЛАР ТАШКИЛ ЭТМОҚДА.

Энг муҳими, уларнинг катта қисми ёшларидан ўтган 25 фоизи ёшлар ташкил этиган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 40 фоизга якянилашид.

## АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ ҲАМДА МАХСУС ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ҚАБУЛ

масус Ҳаракат дастури қабул қилинган.

Мазруздан ташкилдаб ўтилгандек, Ўзбекистон сиёсий ислоҳотларнинг янги бошқарма ишмоқда. Ҳусусан, юқорида айтиб ўтилган Конституциявий қонун 2008 йил 1 январдан кучга кириши билан мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг янада ривож топиши, мазруздат нотижкорат ташкилларнинг кенг тармоқли тизимини яратиш учун етарлиқ ҳуқуқий замин ҳардади. Бундан ташқари, янги таҳрирга Солиқ кодекси ва янги таҳрирга Божхона кодекси лойиҳаларининг партия тузилмалари иштирокида жойларда қизигин муҳокама этилиши партия электорати вакиллари манфаатларининг қонунин ҳимоя килинишини таъминланди.

Тажриба шунун кўрсатмоқдаки, бутун қайсан партия ташкилий жиҳатдан узошган, кучли мафкура базасини яратади олган бўлса, жамиядига устуноликни ўз қўлига ола билади. Бугун ЎзЛиДепнинг аниқ устувер максад ва вазифалари белгилаб олинган. Қолаверса, партия юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчилари бўлмиш ўз электорати — тадбиркор ишбильармон ва фермерлардага суняди. Шунинг учун партия мазкур ижтимоий синфа таяниб, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишини баш ўналиш деб билади ҳамда сиёсий ислоҳотларнинг янги бошқарма ҳам етакчи партия бўлишига итилади.

ЎзЛиДеп

Матбуот хизмати

**Шу йилнинг 26-30 марта**  
кунлари Германия поїтахти  
Берлин шаҳрида Фуқаролик  
жамиятини ўрганиш  
институти Конрад Аденауэр  
фонди ва ПРООН  
ҳамкорлигига «Ўзбекистонда

демократик ислоҳотлар:  
сиёсий партиялар роли»  
мавзуда давра сұхбати  
бўлиб ўтди. Ўнда

Ўзбекистондан Фуқаролик  
жамиятини ўрганиш  
институти, Амадағи  
қонунчилар мониторингги  
институту вакилари, Олий

Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутатлари  
иштирок этди. Тадбир  
давомиди Ўзбекистондаги  
ижтимоий-сиёсий ва  
иқтисодий ислоҳотларни  
амалга оширишдаги  
тахрибалар атрофлича  
муҳокама этилди.

**Бахтиёр ЯКУБОВ,**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси Халқаро  
ишлар ва парламентларара  
ро алоқалар кўмитаси  
раиси ўринбосари

ТАШРИФ доирасида Германия Бундестаг, Бундесрат ва қатор фондларнинг вакиллари, шунингдек, Адлия вазирлиги, олий ўкув юртлари ва иммиграцион тадқиқот марказлари вакиллари билан алоҳида учрашвлар ҳам бўлиб ўтди.

Давра сұхбати ва алоҳида учрашувларда Ўзбекистонда демократик жараёнлар ва ўзғарышлар боқичма-боқич, изил амалга оширилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистонда демократия халқ менталитети, анъаналари ва қадрятлари, шунингдек, ривожланган демократик мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ривожланмоқда. Мамлакатдаги ўзғарышлар фуқаролик жамияти институтлари, энг аввало, сиёсий партияларнинг

ривожланиши даражаси, шунингдек, ўтиш даврида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш зарурати хисобга олинган ҳолда амалга оширилмоқда.

Дунёда ҳаммабоп демократия модели йўқ, деб таъкидлашди анжуман иштирокчилари. Ҳар бир мамлакат ўз халқининг

бораётгани шубҳасиз. Бу ўринда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан қабул қилинган Конституциявий қонунлар лойиҳалари ҳам ёки мисолдир.

Янги қонунларнинг қабул қилинчи ўзбекистонда сиёсий партиялар ва уларнинг парламентдаги фракциялари

ва эксперлар мамлакатимизда суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳам ижобий баҳо бердилар. Уларнинг таъкидлашича, республикамизда мустақилик ийларидан суд ҳокимиюти ва парламент институтининг аҳамиятини мустаҳкамлашга қаратилган кенг миқёсли ис-

ҳамамлик судлари фаолияти учун зарур қонунчилар асослари яратилгани учун институт ривожига, тадбиркорлик субъектларида юзага келадиган баҳсларни ўз вактида, холис кўриб чиқиши учун кўшишча имкониятлар яратилишига хизмат қиласди.

Шунингдек, анжуманда

## ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ ЙЎЛИДАГИ ДАЦИЛ ҚАДАМЛАР

кининг миллий анъаналари, диний хусусиятларига, шунингдек, дунёдаги ижобий тажрибаларга асосланган ҳолда ўзига мос демократия моделларини яратади. Бу борада ислоҳотлар боқичма-боқич ва изил амалга оширилаётган Ўзбекистон тажрибаси кимматидир.

Ҳар бир мамлакат демократия ва фуқаролик жамияти куришининг ўзига мос йўлини танлаши лозим. Бунда ривожланган демократия давлатлар, жумладан, Германия ҳам фуқаролик жамияти куриш бора-сидаги ўз тажрибалари билан ўртоқлашиши мумкин, аммо њеч ким бошқа бир давлатта ривожланишининг тўғри йўлини кўрсатиши мумкин эмас, деб таъкидланди анжуманда.

Демократияга муттасил ўсib бораётган, тақомиллашаштган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимиёт вакиллар оғаралари хамда сиёсий партияларнинг роли ва масъульиятини ҳам оширади. Янги қонун хужжатида Конунчилик палатаси органларини ва ҳукумат таркибини шакллантиришада сиёсий партияларнинг ваколатлар доирасини кенгайтириши ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистон демократия сари илдам қадамлар билан

нинг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни таъсир кўрсатиши имкониятларини кенгайтиради, деб

**Дунёда ҳаммабоп демократия модели йўқ, деб таъкидлашди анжуман иштирокчилари. Ҳар бир мамлакат ўз халқининг миллий анъаналари, диний хусусиятларига, шунингдек, дунёдаги ижобий тажрибаларга асосланган ҳолда ўзига мос демократия моделларини яратади.**

таъкидлашди хорижий эксперлар. Шунингдек, бу қонун мазкур ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимиёт вакиллар оғаралари хамда сиёсий партияларнинг роли ва масъульиятини ҳам оширади.

Янги қонун хужжатида Конунчилик палатаси органларини ва ҳукумат таркибини шакллантиришада сиёсий партияларнинг ваколатлар доирасини кенгайтириши ҳам кўзда тутилган.

Германиялик сиёсатшунос

лоҳотлар амалга оширилган. Демократик давлатларда ўн йилларга ўзилган ўзғаршишар йўли Ўзбекистонда тарихан

қиска мутдидлар босиб ўтилган. Экспертларнинг фикрича, жиноят ва жазо тизимидан ўлим жазосининг бекор қилиниши ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, энг муҳими, унинг яшаш ҳуқуқини таъминлашга шубҳа ижобий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, анжуман иштирокчилари мамлакатимизда судларнинг изчилини равишда ихтисослашиб бораётганига ўтиборни қаратадилар. Бу суд ишларини сифатли кўриб чиқиши, учун зарурӣ шарт, деб таъкидлашди эксперлар.

Хусусан, Германияда мъ

**Демократияга муттасил ўсib бораётган, тақомиллашаштган ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўзлуксиз жараёни сифатида қараш лозим.**

мурӣ, молиявий, меҳнат, ижтимоий ва бошқа ихтисослашиб судлар ижобий самара беради. Ўзбекистонда ҳам

тириш ниятида эканлигини таъкидладилар. Хусусан, кишлок ҳўжалиги соҳасида фаолият юритувчи «Хизвель-Арго», маҳсус ҳимоя эшиллари ишлаб чиқариша ихтисослашиб «Солид ЖС», озиқ-овқат саноати ускуналарини ишлаб чиқариш ва ўрнатиш билан шугуллашувчи «Болгарпродмаш» каби компаниялар шулар жумласидандир.

Бизнес-форум янунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Болгария ишбилиармон доиралари вакилларининг кооперациян биржаси бўлиб ўтди. Ўнда болгариялик ишбилиармонлар Ўзбекистонлик шерилари билан пахтачилик, пахта толаси ва пахта маҳсулотлари савдоси, металлга ишлов беради, сув таъминоти, мева-сабзовот ҳамда полиз маҳсулотларини кайта ишлаш каби соҳаларда ҳамкорликни йўлга кўйишга келишиб олдилар.

Ўзбекистон ва Болгария ҳукуматлараро қўшма комиссияси мажлиси, бизнес форум ва кооперацион биржа доирасида иккни кун давом этган музокаралар янунида иккни мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги Савдо-иқтисодий ва иммиграцион ҳамкорлиги тўғрисидаги битим имзоланди.

## ЎЗБЕКИСТОН - БОЛГАРИЯ:

### МАҚСАД ВА МАНФААТЛАР МУШТАРАК

гариялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган 20 га яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмода. Мамлакатимизда Болгариянинг олти компанияси ўз ваколатхонасини очган. Болгарияда эса 20 га яқин Ўзбекистон - Болгария қўшма корхонаси ишлаб турибди. Форумда болгариялик ишбилиаронларга мамлакатимиз иқтисодига сармоя жалб килишининг устувор йўналишлари ҳақида батабисил маълумот берилди. Мехмонлар юртимиздаги хусусийлаштириш жараёнлари, иқтисодигимизда изил амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзғарышлар билан яқиндан танишилди.

Болгария делегацияси раҳбари А.Гагаузов Ўзбекистонда ҳорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда бизнесс юритиш учун жуда куалай сармоявий мухит, зарур шароит ва имтиёзлар яратилганини алоҳида

таъкидлади.

Шу боисдан Болгария Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга алоҳида ўтибор бермоқда, - деди делегация раҳбари тадбир чоғида. - Биз, айниқса, транспорт коммуникациялари соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришдан жуда манбаатдормиз.

Форумда иккни мамлакат ўртасидаги сармоя жалб килишининг устувор йўналишлари ҳақида батабисил маълумот берилди. Мехмонлар юртимиздаги хусусийлаштириш жараёнлари, иқтисодигимизда изил амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзғарышлар билан яқиндан танишилди.

Анжуманда Болгариянинг қатор компаниялари вакиллари иштирок этиб, Ўзбекистон бозори-даги ўз ўринларини янада кенгай-

**Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо-иқтисодий ва иммиграцион ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон - Болгария ҳукуматлараро қўшина  
комиссиясининг маъжиси бўлиб ўтди.**  
4 апрель куни бу ерда Болгария Республикасининг Минтақавий тараққиёт ва ободончилик вазiri Асен Гагаузовинг мамлакатимизга ташрифи доирасида Ўзбекистон - Болгария бизнес форуми бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН Савдо-саноат палатаси ва Болгариянинг минтақавий тараққиёт ва ободончилик вазiriлиги ҳамкорлигига ташкил этилган мазкур форум иккни давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига багишилди.

Тадбирда иккни давлат раҳбарлари учрашувлари чоғида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда мухим хуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бол-

**ДУШАНБА, 9 АПРЕЛЬ**

**«O'zbekiston»**

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»

8.00-8.45 «Тахлинома».

8.50 Олтин мерос.

9.00 «Олам ва одам» дастури: «Штраус».

«Болалар сайдераси»;

9.55 «Баликчи ва олтин

баликчи». Мультифильм.

10.25 «Шифокор қабули-

да».

11.00 «Ахборот».

11.15 «Дил таронаси».

11.25 А. Орипов. «Соҳиб-

корин». Узбек миллий ака-

демик драма театрининг

спектакли. 1-кисм.

12.45 «Соҳибкорин».

Спектакль. 2-кисм.

13.45 Олтин мерос.

14.00 «Ахборот».

14.20 «Кусто командаси-

нинг суб ости саргуашти-

лари».

15.10 «Хайт манзаралари».

15.20 «Самаркандда

Наврӯз».

16.20 «Одами эрсан...»

«Болалар сайдераси»;

16.40 «Эртаклар - яхши-

лика етаклар».

17.00 «Ахборот».

17.15 Олтин мерос.

17.25 «Юртим бўйлаб» дас-

тури: «Шодиёна». Пре-

мьера.

17.45 «Рангни дунё».

18.05 ТВ-анонс.

18.10 «Оҳангарлар оғуши-

да».

18.20 «Буюқ ажоддлари-

миз».

18.40 «Ошин». Телесери-

ал.

19.10 ТВ-анонс.

19.15 «Молия ва банк ха-

барлари».

19.20 Дунё иклими.

19.25, 19.55, 20.55, 21.30

Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус ти-

лида)

20.00 ТВ-анонс.

20.05 «ТВ-шифокор».

20.10 «Оила ришталари».

Телесериал премьераси.

20.50 Дунё иклими.

21.00 «Ахборот».

21.35 ТВ-анонс.

21.40 «Ёшлик сурди».

22.30 Т/с «Икки тадир».

23.15 «Кўшигимсан, му-

хаббат» (SMS). Овоз бе-

риш) 23.30 «Юртим бўйлаб» да-

стури: «Бахор манзарарап-

ри».

23.50-0.00 Тунги наволар.

**«Yoshlar»**

15.55 Даструрнинг очили-

ши.

16.00 «ДАВР».

16.15 «Мафтункор ва бе-

таркор».

16.20 «Улугбек хазинаси».

Видеофильм. 1-кисм.

17.15 «Кино-SMS».

17.20 «Тасвир ва таассу-

рот». Леонид да Винчи.

17.40 «Journal».

18.00 «УзЕХ хабарлари» (ру

с рус инглиз тилилари)

18.15 «Панхоз».

18.30 «Газал мулки».

19.00 «ДАВР».

19.20 «Болалор спорти».

20.10 «Мониторинг».

20.45 «Шотакан карашт-до-узбекистон чэмпионати».

21.05 «Ким нимага қодир?».

21.25 «Узбекистон ифтихи-рия» Р. Чагаев.

22.00 «Хасур болалар».

22.30-13.00 «Детективы».

18.00 «Болалор спорт».

20.20 «Мониторинг».

20.45 «Илим».

22.00 «ДАВР».

22.30 «SMS-музыка».

22.50 «Саломея» Сериял.

0.15-0.20 «Ватанним».

**«Sport»**

7.00 «Бодрое утро».

8.05 «Малахов +».

9.00 «Таликн». Информа-

ционно-талихий кўрсатув.

9.30 «Перевёртыши». Сери-

ал.

9.95 «Версия». Информа-

ционно-аналитическая

программа.

10.25 «Мониторинг».

10.45 Шотакан карашт-до-узбекистон чэмпионати.

11.05 «Ким нимага қодир?».

11.25 «Узбекистон ифтихи-рия» Р. Чагаев.

12.00 «Хасур болалар».

12.30-13.00 «Детективы».

18.00 «Болалор спорт».

18.20 «Спортимз малика-лар».

18.30 «Газал мулки».

19.00 «ДАВР».

19.20 «Болалор спорти».

20.10 «Инженер техник маркази». Хужжаттия фильм.

20.30 «УзЕХ хабарлари».

20.35 «Кўкунг наволари».

21.00 «Муҳаббат дардла-рия». Сериял.

21.55 «Илим».

22.00 «ДАВР».

22.30 «SMS-музыка».

22.50 «Саломея». Сериял.

0.15-0.20 «Ватанним».

Фильм «Чужие тайны».

Фильм.

20.00 Время

20.30 Фильм «Маршрут».

21.30 Спецрасследование.

22.45 Теория невероятно-

сти.

23.35 «Гении и злодеи».

0.10, 2.30 Фильм «Парни из соседнего двора».

2.00 Время

2.40 Фильм «Звериная

олимпиада».

18.40 Сериал «ЗАКОН И

ПОРЯДОК».

19.40 Сериал «ПРОКЛЯ-

ТЬ РАЙ».

21.45 Сериал «ГОСПОДА

ПРИСЯЖНЫЕ».

22.45 «ШКОЛА ЗЛОСЛО-

ВИЯ».

1.30 X/F «ВПЕРВЫЕ ЗАМУ-

ЖЕМ».

3.05 Фильм «ПУТЕВКА В

ЖИЗНЬ».

18.40 Самое невероятное

видео.

23.00 Детектив «С.И. МЕ-

СТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ

МАЙАМИ».

0.00, 2.15 «Голье и смеш-

ные».

0.30 Самое невероятное

видео.

1.50 «Каприз».

19.00 Самое невероятное

видео.

19.30 «САНСЕТ БИЧ».

Теленовела.

20.00 «Детектив в ЭДЕМ:

ИСТОРИЯ ПРОДОЛЖАЕТСЯ».

21.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

22.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

23.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

24.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

25.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

26.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

27.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

28.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

29.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

30.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

31.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

32.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

33.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

34.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

35.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

36.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

37.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

38.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

39.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

40.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

41.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

42.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

43.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

44.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

45.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

46.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

47.00 «БОЛЬШАЯ ВОЛНА».

Таниди француз олими Л.Керен: «Амир Темурнин Гарб мамлакатлари билан олиб борган дипломатиясини ҳозирни кунда биз «ҳамкорликка узатилган кўл» сиёсати деб атамиз», — дейди. Дарҳаққат, Амир Темур сиёсати мазмунидаги Гарб хукмдорларига нисбатан њеч қандай гарас, тиҳорий рақиблик, ҳудудий ва диний муаммолар йўқлигини исботлаш, ўзаро ишончили муносабатларга ишонтириш, савдо-сотики алоқаларига кенг йўл очишига интилиш, циви-

XIV аср охири — XV аср бошларида Амир Темур салтанатининг довруни Европа мамлакатларига қадар етиб боради. Франция, Англия, Испания, Генуя ва Византия қироллари янги сиёсий воқеиликни англаб, Соҳибқирон билан сиёсий, иктиқодий ва савдо алоқалари ўрнатишга интиладилар.

лизацияларни бир-бирига яқинлаштиришдек эзгу ниятлар акс этади.

Европа мамлакатлари, айниқса Франция, Англия, Испания (Кастилия, Леон), Византия (Константинополь) Амир Темур билан яқин алоқада бўлиш орқали Европа учун енгилмас саналган Турк сultonни Боззидга қарашда Амир Темур қудратига суюнмоқчи бўлғанлари сир эмас. Бундан ташқари, Осиё томонига савдо йўлининг очилиши ҳам уларни қизиқтириган. Чунки бу даврага келиб Осиё ёки тасасининг энг эътибори мамлакатлари Амир Темурнинг таъсир доирасида экани ўша давр сиёсий муносабатлари тартибини белгилаган.

Соҳибқирон даври мураккаб алғов-далғовли, ўзини келишмовчиллар авжига чиққан, суронли давр эди.

Шарқий Европа давлатлари Боязидга қарши курашиш учун Темур билан иттифоқ тузишга интиласалар, Туркия сultonни эса Амир Темурни биргаликда Европага қарши курашга давлат этарди.

Соҳибқирон тинчлик тарафдори бўлгани боис Боязидга кўплаб мактублар юбориб, дўстлик, тинчлик, ҳамкорликни ҳамда бирга бўлиш, иттифоқ, тузинши қайта-қайта таклиф этгани тарихий ҳақиқат. Темур фақат йўлтусарлик, қароқчиликка ружу кўйган катта қоракуонли қавмни тийиш, жазолашни қўтъий талаб килган, холос. Шунингдек, ўша пайтлар Сulton Ахмад Жалойир Бағоддин эгаллаб, Арабистон ва Ўрга деңгиз ҳавzasига ўтадиган йўлларга хукмронлик қилар, карвонларни талар, натижада савдо-сотики, ҳатто мукаддас Ҳажга бориш ҳам хавфли бўлиб қолган эди. Амир Темур Боязиддан уларнинг барчасини тутиб, ўзига топшириши сўраган.

Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарида Амир Темурнин Йилдирим Боязид элчиларига айтган сўзлари, сиёсий қарама-қаршиликни дипломатик йўл билан ҳал қилиш мақсадида мана шундай босиқлик билан иш юритгани баён этилган.



Аммо Боязид Соҳибқироннинг барча адолати тақлифларини рад этади. 1402 йилнинг 28 июляда Анқара ёнидаги тарихий жангда Боязид мағлубиятга учради.

Амир Темур Сulton Боязид билан урушни кимгидир ёкиша ва кимларнингdir гиж-гижлашта қараб эмас, сиёсий воқеилидан келиб чиқиб, жаҳонда тинчлик ва адолат тантанаси учун олиб борган.

Таъкидлаш лозимки, Амир Темурнинг ёрқин алоқаларни ривожлантириши, савдо-сотики ва молалмашиш ҳақидаги тақлифига Франция қироли шундай жавоб қайтарган: «...Яратганинг инояти билан Боязид устидан қозонилган галабангиз ҳақидаги маълумотни ўз ичига олган мактубингиз бизга катта кувонч ва ҳузур бағишлади... Саводгарларимиз ва умуман барча христианларнинг сизнинг мамлакатинеизга, умуман, сизга қарашни мамлакатларга бемалол бориб савдо-сотики билан маънгулилари учун Сизга чекиз миннатдорчлик ва ташаккур изҳор қиласиз...

Париж шаҳрида 1403 йил, июнь ойининг 15 куни биттилди».

Афсуски, Амир Темур вафоти туфайли тинчлик ва тараққиётӣ ўйлидаги кўлгина илғор гоя ва режаларни амалга ошириш тўхтаб қолди. Ўзбекистон мустақиликни кўлга киритгандан кейин буюк аждодимизнинг орзу-умидлари кайтадан ушала бошлиди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташабbusи билан Буюк Ипак йўли тинчлик ва мулоқот йўли сифатида ўз анъаналарини давом эттироқла.

Соҳибқирон Амир Темур яшаб ўтган суронли давре олти юз йилдан ошик вақт ўтган бўлса-да, Буюк бобомизнинг хўкмдорлик ва бунёдкорлик фоалиятига бўлған қизиқиши ҳамон камайсан ийқ.

Бугунги кунда ҳам дунё олимлари саргайгиган кўлэзмаларни вараклаб, Амир Темур ва темурийлар тарихини ўрганишда давом этмоқдалар. Буни хорижий мамлакатларда Соҳибқирон бобомиз даврига оид кўплаб тарихий манбаларнинг таржима қилиниб, қайта-қайта нашар этилаётгани ҳам кўрсатиб турибди.

## АБАДИЯТГА МУХРЛАНГАН ФАЗИЛАТ



Баҳодир ХАЙДАРОВ

Хўш, нега хорижий давлатларда Амир Темур даврига бўлган қизиқиши бунчалик катта? Бунинг сабаби, аввалимбор, Соҳибқирон бобомизнинг бепоён ҳудудларни бирлаштириб, улкан салтанат барпо этганидир, албатта. Лекин Амир Темур номини абадиятга муҳрлаган яна бор имол — буюк бобокалонимизнинг илм-фан, маданият ва санъат соҳаларига кўшган оламшумли ҳиссасидир.

Амир Темур Мовароуннаҳрда феодал тарқоқлик ва бошбошдоқликка чек кўйиб, марказлашган, кудратли давлат барпо этишига киришар экан, бу борада илму фан ва мъавният катта аҳамият касб этишини яхши англаган эди. Шу сабабли Соҳибқирон ўз салтанатида олиму мъемор, фозили шуарога қулий шароитлар яратди, умуман, ижод аҳлига ҳомийлик кўрсатди. Бу борада франциз тарихчиси Л.Ланѓэнининг қўйидаги сўзлари ўтиборга сазовор: «Амир Темур зиддиларга ҳайркоҳолик кўрсатар ва билди билан бареда ҳалоллини курган олимларга ишонар эди. У тархиси ва фойласувлар, илм-фан ёки маънивият соҳасидаги билимдан бўлған қисилор билан кўпичча таҳтдан тушуб сўхбатлашар эди».

Ўша даврда илм-фан равнаки учун, аввало, мадраса ва кутубхоналар зарур эди. Буни яхши билган Амир Темур ва темурийлар ўзлари хўкмдорлик қилаётгандан ҳудудларда маҳобатли мадрасалар барпо этгандар. Мазкур мадрасаларда ўз даврининг етук олимлари талабаларга сабоб берганлар. Таъкидлаш ўринлики, мадрасаларда илоҳийдаги билан бир қаторда дунёйиғи фанлар ҳам чукур ўргатилган. Тарихий манбаларда айтилишича, биргина Самарқандда олий мадрасалардан ташқари ҳар бир маҳаллада катта-кичик мадрасаларда фаолият кўрсатган.

Маълумки, мадрасаларда сабоб берган мударрислар, улардан таълим олган талабалар ва илмий изланишлар олиб борган олимлар турии китобларга эҳтиёж сезгандар. Шу сабабли Амир Темур ва темурий хўкмдорлар ўз пойтхатларида улкан кутубхоналар барпо этиши баробарда уларни поёб китоблар билан бойинши борасида сабъ-ҳаракат кўрсатган.

Темурийлар курдирган кутубхоналар ўз даврининг йирик нашириёти ва илмий маркази вазифасини ҳам ўтаган. Зоро, мазкур кутубхоналарда машҳур хаттотлар, мусаввиirlar, саҳифаловчилар, мӯковаловчилар хизмат қўлганлар.

Ўрта асрларда қўлэзмалар китобат санъати усталирининг меҳнати ва малакаси натижасидаги сайдал топганини яхши биламиш. Темурийлар кутубхоналарида хаттотлар, мусаввиirlar, саҳифаловчиларнинг юксак искеъоди ва маҳорати бир-бирига ўйгунаштирилган натижасидаги бутун дунё аҳлини ҳайратта солиб келаётгандан бадиин қўлэзма мўъжизаси яратилган эди. Амир Темур ва темурий шаҳходалар даврида яратилган бадиий қўлэзма аасарлар ҳозирги кунда дунёнинг машҳур кутубхоналарида энг нодир бойлик сифатида сақланадиги сўзимизни яққол исботлайди.

Инсон ҳаётини табиатдан ажратган ҳолда тасаввур қилиш бўлмайди. Айни пайтда саноат ва қишилоқ хўжалигининг ривожланниши, фан-техника тараққиёти, аҳоли сонининг кўпайтиши табиии ресурслардан оқилона фойдаланишини тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам она табиатга меҳр-муруғватли бўлиб, унинг табиии бойликларини асрар авайлаша барчамизни бурчимиздир.

Азамат СУЮНОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА бир-биридан гўзал, пурвиқор тоғлар кўп. Арчазор, теракзору ёнекорларни шифобаш гиёхларни авайлаб-асрас, турли-туман ҳайвонот оламини бойитиш, янги ўрмонзорларни барпо этиш бугунги авлодларнинг шарафли вазифасидир.

**ЎЗ ЕФОЧИМИЗ БЎЛСИН**

ИСТИҚЛОЛ шарофати билан нефть ва галла мустақиллигига эришишнинг ҳам амалий чорадархандарни излаб топишмиз, уни тезор ҳаётга тадбиқ этишимиз зарур. Бунда эса кўп нарса ўзимизга боғлик. Нафақат тогу қўрларда, ўзимиз яшаб турган маҳаллалар, гузарлар ва кўча атрофларида дарахт экиб, парвариши қилиб кўпайтирас, табиат гўзалигини бойитишга муносиб ҳисса кўшган бўлардик. Чунки гўзаликнинг тақдири инсон қўлида.

Дарахтлар соғ ҳаво ва қурилиш ашёси сифатида бебаҳодир. Ёғочдан 20 мингдан ортиқ тури буюмлар ясалади. Ҳозир ўзимизда ёғоч етишириб, уни кўпайтириш усувларига кунт ва эътибор қартишимиз лозим. Ҳолбукни, Ўзбекистон ерларининг саховати бекиёсdir. Нима эксан, кўкаради. Теракзорларни кўпайтирасак, саҳроларга саксовуллар қадасак, тоғлару қир-адирлар, минглаб километре ҷўзилган автойўллар атрофини яшил ўрмонларга буркасак, қурилишибон ёғоч билан республика эҳтиёжини бемалол қондириш мумкин.

**ОЛИМЛАР НИМА ДЕЙДИ?**

УЛАРНИНГ таъкидлашича, ёзчиликласида дарахтли ва дарахтсиз жойларнинг микроқимли турлича бўларкан. Дарахт барглари фақат ҳароратга эмас, балки ҳаво таркиби-



# ЯШИЛ БОЙЛИК КЕТМАС ДАВЛАТДИР

га ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бир метр куб ҳавода 500-1000 донағача микроб бўлиши мумкин. Бундай ҳаво нисбатан тоза ҳисобланади. Аксарит ўрмон дарахтлари учувчан орга-

**Ўзбекистон тупроғининг саховати бебаҳодир. Нима эксан, кўкаради. Теракзорларни кўпайтирасак, саҳроларга саксовуллар қадасак, тоғлару қир-адирлар, минглаб километре ҷўзилган автойўллар атрофини яшил ўрмонларга буркасак, қурилишибон ёғоч билан республика эҳтиёжини бемалол қондириш мумкин.**

ник моддалар ажратади. Бу моддалар нафас олганда ҳаво билан дармондори тарзида организмга киради ва ўзлаштирилади. Ўрмон ҳавосининг тозалити ҳам шундан. Дарахтзорларда ҳавонинг тоза бўлиши ўсимликлардан кўплаб чиқарилалиган фитонцидлар таъсирида микробларнинг қирилиши билан боғликдир. Бир гектар ердаги 10-15 йиллик ўрмон ҳар йили 3 тонна кислород, 10 кг. фитонцид ишлаб чиқариши билан бирга 50 тонна чантни юатди.

Шунинг учун ҳам дам олиш уйлари, санаторийлар ва ҳордик чиқариши мусассалалари тоғли ва соя-салқин, ба-

ҳаво масканларда бунёд этилади.

Соф ҳаводан баҳраманди киши салликлардан фориб бўлади. Салқин ва соғ ҳаво баданин бамисоли «чаяди» ва «ювади». Шунда юрак, қон томирлар фоалияти ошади, нафас олиш чуқурлашади, руҳий доира тиниқ ва равшан бўлади. Демак, атмосферани согломлаштиришда ўсимликлар бенехою катта аҳамият касб этади. Ўсимликлар ҳаво намлигини ошириб,

ҳароратни пасайтиради, микроклимини яхшилашиб, ҳавони чант-губорлардан тозалайди. Шундай экан, дарахтзорлар майдонини кенгайтириш саломатлик нуқтаи назаридан ҳам катта аҳамиятга эга.

**ҚЎЧАТ ЭКИНГ, БОЙ БЎЛАСИЗ**

УЧ-ТЎРТ йил илгари Шахрисабзаги автомобилларни рўйхатта олиши имтиҳон қабул қилиш давлат авtomобиль назорати бўлимиде ёши олтишишлардан ошган бир одам билан ҳамсүхбат бўлиб қолдим. У киши янги машинасини рўйхатга кўймоқчи экан. Қизиқсиниб, ҳазил аралаш

Шунинг учун жойларда кичик бизнес ва

сўраган бўлдим: «Ҳойнаҳој, бу янги машина кўйларнинг фойдасидан келганди ўхшайди». У киши менга синчковлик билан назар солди-да, касбимни сўради. Тўғрисини айтдим. «Унда газетага ёзасизми?» — деб сўради. «Агар рози бўлсангиз, ёзаверамиз, бой бўлишнинг айби ўйқў», — дедим. Шунда сұхбатдошим бой бўлишнинг «сир»ини айтди: Борйиги, 10 сотих фойдаланимай ётган ерини ижарага олдим. Ҳаммасига «арар» навли терак экдим. Ўз вақтида насос ёрдамида сугориб турдим. Етти йил деганда теракларим курилиш бош ёғоч бўлди. Харидор изламайман, ўзлари ёғоч сўраб қилириб келишади. Уч нафар ўслимга янги машина олиб бердим. Худо насиб қилса, кенжа ўслимга ҳам олиб бераман. Терак ўстириб, даромад тоғи кўй бокишидан кам эмас десам, ишонаверинг...»

Тўғри, бу дэҳқоннинг тадбиркорлиги таҳсинга лойик. Бироқ ҳамма жойда ҳам бу ишга муносабат ижобий деб бўлмайди. Соя-салқиндан ташкари, тоза ҳаво бераётган, икимни мўтадиллаштираётган азим дарахтлар балзи жойларда беёв кесилиб кетиши ҳоллари учраб турибди. Агар умид билан экилган ҳар туп ниҳолни асрар, унинг олдида яна кўплаб кўчутлар ўтқазмас эканмиз — битта дарахтимиз иккита бўлмайди.

**ЎРМОН — ОФАТГА ҚАЛҚОН**

ИШ юзасидан Фавқулодда вазијатлар вазирлиги мутахассислари билан республикамизнинг турли вилоятларда хизмат сафарида кўп бўлганман. Қўпинча сел ва су тошқинлари, ер ва қор кўкчилиари рўй бериши эҳтимоли мавжуд жойларни кўздан кечириб, шу нарсага амин бўлдимки, дарахт қўп экилган ҳудудларда қарийб ер ва қор кўчкиси рўй бермайди. Бундан кўриниадики, кўкчилиар асосан дов-дарахтсиз жойларда юз бераркан. Дарахтларнинг илдизлари тупроқни тутиб турса, уларнинг танаси қор силкисига йўй қўймайди.

Дарахтда ҳикмат кўп. Эътибор берган бўлсангиз, қишининг қоқ чилласида изирин ва бўронлар рўй берганда совуқнинг таъсири бир неча бор ошади. Баъзан дарахтсиз жойларда қор ўюмлари ўйларни тўсиб қолади. Йўл yetida қатор дарахт экилган жойларда эса бунинг акси...

(Давоми бор).

**Кичик бизнес истиқболлари**

...Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатади, кичик бизнес ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдирадиган иктисолидётнинг маркибий негизини белгилаб берадиган энг муҳим сектор ҳисобланади, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашда, унинг даромадларини оширишади энг асосий омил ва манба бўлиб хизмат қиласди.

Ислом КАРИМОВ

## ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ ШАРТЛАРИ

Шерзод ҚОДИРОВ

АЙНИ пайтда вилоядатда меҳнатта лаёқатли аҳоли сони 938 минг кишидан ортиқ бўлиб, бу кўрсаткич ҳар йили ўртача 14 минг кишига ортиб бормоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан ҳар йили ўртача 30,932 та янги иш ўринилари яратиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса, албатта, катта маблаг зарур бўлади. Ҳисоб-китобларга кўра, битта иш ўринини яратиш тармок ва соҳаларга қараб ўрта хисобда 300 минг сўмдан 3,5 миллион сўмгача маблаг талаб килиши мумкин.

Хоҳада янги иш ўринилариши яратиш мақсадида сарфланаётган маблағларнинг 80 фойзидан ортиги маҳаллий тадбиркорларнинг ҳиссасига

тўғри келмоқда. Демак, тадбиркорлик ва унинг негизи бўлган кичик бизнес субъектарини кўллаб-кувватлаш, уларга эркян фаолиятлари учун муҳим бўлган шарт-шароитларни яратиб бериш бутуннинг долларларни вазифаларидаиди.

Вилоят аҳолисининг 80 фойзи қишилоқ ҳудудларида истиқомат қилишини, воҳада ишлаб чиқарилаётган янли ҳудудий маҳсулотнинг қарийб 46 фойзи ҳам айнан қишилоқ ҳўжалиги ҳиссасига тўғри келишини эътиборга оладиган бўлсак, кичик бизнес корхоналари фаолиятини айлан қишилоқ ҳудудларида ташкил этиши ва ривожлантириши зарурати намоёб бўлади. Вилоятни 2007-2011 йилларда мажмавий ривожлантириш стратегиясини шакллантириши дастурига кўра, аҳоли турмуш шароитини яхшилашинг энг муҳим йўналиши бўлган бандлилк даражасини ошириш, айниқса, қишилоқ аҳолисини иш билан таъминлаш мухим аҳамиятта эга.

Шунинг учун жойларда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор қаратган ҳолда келажакда 185592 та янги иш ўрини яратиш, кичик бизнес субъектарининг аҳоли бандлигидаги улуҳини 20 фойзи етказиш, шунингдек, фермер ҳўжаликлари сонини 2011 йилга бориб қарийб 15 миннатаға етказиш белгилаб олинган. Ўтган йили воҳада 29416 та янти иш ўринилари яратиди. Мамлакатимизда янги иш ўринилари ташкил этишида кичик бизнес субъектларига катта қатор даромадларини оширишади энг асосий омил ва манба бўлиб хизмат қиласди.

**Футбол — дунёда биринчи рақамли спорт тури. Бежизга у миллионлар ўйни, деб атамайди. Ўзбекистонда ҳам футбол оммавийлик жиҳатидан етакчи ҳисобланади. 28-29 марта кунлари юртимизга ташриф буюрган Халқаро футбол федерацияси - ФИФА президенти Йозеф Блаттер ва Осиё футбол конфедерацияси - АФК раҳбари Муҳаммад Ҳаммам Ал-Абдулла ҳам бунга амин бўлди.**

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,  
спорт шарҳловчиси

ФИФА ва АФК раҳбарлари нинг ташрифидан кўзланган асосий мақсад — Ўзбекистонда футболни ривожлантириш учун қилинаётган ишлар билан яқиндан танишиш ва “Гол-1” лойиҳаси доирасида куритган сунъий қопламали майдон куриш учун мўлжалланган “Гол-1” лойиҳаси орқали Ўзбекистон футбол федерациясига 400 минг АҚШ доллари миқдорида маблаг ажратилишини маълум қилган эди.

Йозеф Блаттер 2004 йилнинг сентябр ойидаги Тошкентта ташриф буюриб, Ўзбекистон футболда амалга оширилаётган кенг кўллами ишлар билан батағиши танишган ва сунъий қопламали майдон куриш учун мўлжалланган “Гол-1” лойиҳаси орқали Ўзбекистон футбол федерациясига 400 минг АҚШ доллари миқдорида маблаг ажратилишини маълум қилган эди.

Ташриф чорғида Йозеф Блаттер пойтахтимиздаги футбол бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби фаoliyti, бу ёрда амалга оширилаётган курилиши ишлари ва қатор спорт турлари бўйича нуфузли турнирларга мезбонлик қилган “Ўзбекистон” спорт мажмуси билан таниши.

Йозеф Блаттер Ўзбекистонда спорти, жумладан, футболни ривожлантириш юксак даражада эканини эътироф этди, Ўзбекистон футбол федерацияси “Гол-1” лойиҳаси талабарини тўла бажаргани ва сунъий қопламали майдон унга маъкул келганини билдири.


ФИФА раҳбари Ўзбекистонга “Гол-2” лойиҳаси бўйича ҳам маблаг ажратилишини маълум қилиди. “Гол” лойиҳасига кўра иккинчи босқичда бериладиган маблаг мамлакат терма жамоалари учун ўқув-машгулут йиғинлари ўтказадиган замонавий база қурилишига сарфланади. Ўзбекистон футбол федерацияси мазкур иншоотни пойтахтимиздаги Чигатай футбол мактаби худудида барпо этишига қарор кўланган ва айни пайдада курилиши ишлари бошлаб юборилди.

Футбол оламининг юқори мағлабати мөхонияни Тошкентга ташрифи чогида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қубилига бўлди.

Мамлакатимизда раҳбар Фармонинг биноаси Ўзбекистон Республикасида футбол дастлабини ривожлантириши ва қўллаб-куватлашга кўшган улкан ҳиссаси, соғлом аводди шакллантиришдаги иштироки ҳамда халқлар ўтасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамжигъатники мустаҳкамлашдаги самарали фаoliyti учун Йозеф Блаттер “Дўстлик” ордени, Муҳаммад Ҳаммам Ал-Абдулла “Шурхат” медали билан билинга тақдирланди.

## МОЗИЙГА НАЗАР

ЮРТИМИЗГА замонавий қурунишдаги футбол 1912 йил-



# БЛATTERНИНГ ТАШРИФИ

## ёки ўзбек футболига бир назар




### ИСТИҚОЛ ЙИЛЛАРИДА ФУТБОЛ

СПОРТ, жумладан, футбол — Мустақилик даврида давлатимиз томонидан ривожига aloҳida эътибор берилгаётган соҳалардан биринга айланди. Ўзбекистонлик чарм тўп устасири ана шу йилларда Осиё футболида ўзига хос ўрини сазовор бўлди.

1994 йили Япониянинг Хирошима шаҳрида ўтказилган XII Осиё ўйинларида футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси еттирик рақиби маебулляпти учратиб, олтин медални кўлга киритди. Айниқса, бош соврингача бўлган йўлда кўтида энг кучли ҳисобланган Саудия Арабистони (4:1), Жанубий Корея (1:0) ва Хитой (4:2) каби терма жамоаларини футбольипаримиз маҳорати олдинда иш эшолмагани ютугимиз қадринга янада оширади. Шу йилнинг ўзида Ўзбекистон чемпионати голиби — Фарғонанинг «Нефтьчи» жамоаси Осиё чемпионлар кубоги мусобакасида музваффиклиги иштирок этиб, кўтиганинг энг кучли учиб кубидан бири бўлди.

1996 йилда Ўзбекистонда футболни янада ривожлантиришинга хуқуқи асоси ўтказилди. Шу йилнинг 17 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришиниң тарбияни ўтказиб» мурасимида ўтказилган 16 та жамоа қарамоғига ўтказилди.



Уртвойнинг “Насъонал” жамоасига қарши “Пахтакор” марказий стадионидаги 1996 йилдан олий лигага иштирокини бошлиди. Кисқа фурас ичди ба жамоа ҳар қандай рақибни маебулляпти учратадиган даражада ривожланди. Турий йиллар давомида пахтакорчиликни асосий таркибида Бирордар Абдураимов, Юрий Пшеничников, Василий Хадзимансис, Геннадий Красницкий, Михаил Ан, Владимир Фёдоров, Александр Корченев, Олим Аширов, Шуҳрат Эбӯбаев, Сирохибдин Бозоров каби футбол юнуслари поради. Улар кўрсатган ўйин ҳали ҳануз муҳлисларни ўтасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамжигъатники мустаҳкамлашдаги самарали фаoliyti учун Йозеф Блаттер “Дўстлик” ордени, Муҳаммад Ҳаммам Ал-Абдулла “Шурхат” медали билан билинга тақдирланди.

Жумладан, олий лигага Ўзбекистон шаънини ҳимоя қилган “Пахтакор”нинг “Динамо” (Киев), “Спартак”, “ЦСКА”, “Динамо” (Москва), “Динамо” (Тбилиси) ҳамда “Динамо” (Минск) каби етакчи жамоаларни қақшаткич мағлубиятга учраттани, Геннадий Красницкийнинг деярли майдон марказидан

нуқтаи назардан ёндашиши табдил этадиган вазифалар белтиглаб берилган.

### ФУТБОЛ ТАРАККИЁТИ ЙУЛИДА

МАМЛАКАТИМИЗДА футболни ривожлантириш масъулияти Ўзбекистон футбол федерацияси (ЎФФ) зиммаси юқлатилган. Ўтган даврага назар ташласак, Ўзбекистон футболида мунтазам олдинга силжий кузатилганини гувоҳи бўламиз. XXI асрнинг дастлабки йилларидан футболимиз равнанини яна жадаллаши. Буни ҳалқаро майдонларда қайд этилган натижалар ҳам кўрсатиб турибди. Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 2001 йилда “Мердека” кубогида барча рақибларини додга қолдириб, биринчи ўринга сазовор бўлди.

Орадан иккى йил утиб, Осиё биринчилигидаги музваффикияти тўп сурған футбольчиларидан Бирлашган Араб Амриликларида ёшлар ўтасида ўтказилган жаҳон чемпионатига ўйлумана олди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жаҳон чемпионатига пухта тайёр гарлик кўриши мақсадида 2003 йили Ҳиндустонда ўтказилган I Афро-Осиё ўйинларида қатнашип, барча рақибларини енган ҳолда шоҳсупанинг энг кўп учрашувга кўтарилиди.

Шунингдек, Осиё клублари ўтасидаги энг нуфузли мусобака — Осиё чемпионлар лигасида мунтазам иштирок этиб келадиган Тошкентнинг “Пахтакор” жамоаси 2002 йил якунларига кўра, Осиё футбол конфедерацияси томонидан китъянинг энг кучли жамоаси, деб ётироф этилди. Бундан ташкари, пахтакорчилар мазкур мусобакада иккى маротаба ярим финалтага стиб борган ва бутунги кунда ҳам Осиё чемпионлар лигасида энг кўп учрашув ўтказган жамоа ҳисобланади.

Айтib ўтиш лозимки, “Пахтакор” учин 2007 йилни мавсум ҳам омадли бошлади. “Пахтакор” футбольчилари жорий йилнинг январи ойидаги Россия пойтахти Москва шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги чемпионати кубоги мусобакасида ҳам бош соврини кўлга киритди. Наъбатдаги марга эса Осиё чемпионлар лигасиде биринчи ўрингни ўтказади.

Ўзбек футболининг бу каби ютуқлари замонида нафқат шаҳарлар ва вилоятлар марказларидан, балки чекка қишлоқларда ҳам спорт, жумладан, футбол билан munтазам шугулланни учун етарли шарт-шароитлар ўтказилганди, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида ўтибор қаратиладиган.

Айниқса, болалар футболини ривожлантириши борасида қилинаётган ишлар самарали бўлмоқда. Жорий йилдан бошлаб жойлардаги футбол мактаблари олий лигага ўтказилган 16 та жамоа қарамоғига ўтказилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу маликаларни тарбиялашда муҳим омили бўлади, болалар футболни ривожлантиришга алоҳида ўтибор қаратиладиган.

Албатта, бугун Ўзбекистонда кўллаб соҳалар синаги аҳолини соголем тарзига жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириши борасида қилинаётган ишлар жоҳон ҳамжамиятни томонидан ҳам ётироф этиладиган. Жумладан, ФИФА президенти Йозеф Блаттер ҳам юртимизда нафқат футбол, балки спортнинг бошқа турлари ҳам жадал ривожлантиришга алоҳида ҳануз муҳлисларни амалдаги иккисидан далолатиди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 1 май кунига ўзлон қилинган “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришига қарор” турдаги ўтказилган 16 та жамоа қарамоғига ўтказилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу маликаларни тарбиялашда муҳим омили бўлади, болалар футболни ривожлантиришга алоҳида ўтибор қаратиладиган.

# ...ИСИТМАСИ ОШКОР ҚИЛАДИ

**Яңында Үш шаҳрида (Қирғизистон)  
«Тинчлик водийси» деб атталган  
нодавлат ташкилотининг чегаралар  
оша тармоғи аъзолари томонидан  
«давра сұхбати» ўтказилгани ҳақида  
оммавий ахборот воситалари хабар  
тарқатди.**

МАЗКУР «давра сұхбати»да маҳаллий нодавлат ташкилотлари раҳбарлари билан бир қаторда Америка-нинг «Марказий Осиёда Евросиё фондиси», ПРООН ва бошқаларнинг Үшдаги күнапаси вакиллари ҳам иштирок этилдилар, дейилдели PRESS-UZ.info тарқаттан ахборотда.

«Давра сұхбати» чөнди «Тинчлик водийси» нодавлат ташкилоти тармоқларининг сүнти уч йылдаги фаолияти мұхоказама этилган. Хусусан, іюнорда айттың үтілген нодавлат ташкилот тармоқларини ташкил этиши ташаббускорлардан бири «Халқаро бағрикенглиқ учун» фондидан раҳбар тармоқ томонидан 2004 йилда амалга оширилген ишлар түркесінде иштирекчиларни воқиға эти.

Тадбир нюхосида «Тинчлик водийси» деб номланған нодавлат ташкилоти тармоғининг айрим аъзолари янғын лойхаларни молиляштириши юзасидан донор ташкилотларнинг вакиллари билан учрашилар.



Danish Refugee  
Council

Маълумки, «Тинчлик водийси» тармоғи 2003 йилда «Қочқинлар ишлери бўйича Дания кенгаси» (Danish Refugee Council) ташкилотининг молиявий кўмугида ташкил этилган бўлиб, даставвал ўзида Қирғизистон, Тожикистондаги 30 та нодавлат ташкилотни бирлаштирган эди.

Ўтган йилнинг октябрь ойида оммавий ахборот во-ситаларида «Қочқинлар бўйича Дания кенгаси» ташкилоти Фарғона водийсидан жосуслук тусидаги ахборотлар тўплабётгани ҳақида хабарлар пайдо бўлди. Бу хабарлар тармоқ тизимида кирувчи маҳаллий нодавлат ташкилотлар ёрдамида амалга оширилган.

Россия Федерал хавфисизлик хизмати директори Николай Патрушев ўтган йил декабрь ойида етакчи оммавий ахборот воситалари раҳбарлари билан учрашивда Дания кенгаси Чеченистон ҳудуди разведкага доир фоалият юритишига уринаёттандигини таъкидлаган эди. Федерал хавфисизлик хизмати раҳбари бу ташкилотнинг хорижий маҳсус хизматлар билан алоқадорлигини исбогловчи ишончли далиллар келтириди.

Эҳтимол шу боис, «Халқаро бағрикенглиқ учун» фондининг раҳбари бу гал «Тинчлик водийси» нодавлат ташкилоти тармоғининг бевосита ташкилотчиси ва буюртмачиси ҳисобланган ва илгари бир неча бор жосуслук мажароларига аралашшиб қолган «Қочқинлар иши бўйича Дания кенгаси» ташкилотига жамоатчилик эътиборини қараттиси келмаган. Аммо касални яширсанг, барibir иситмаси ошкор қиласи.

**Дастурий таълим  
таъминоти учун  
Америка ҳукумати ҳар  
иши 2 миллиард доллар  
сарфлаётган бўлса-да,  
мактаб ўқувчилари ва  
талаబаларнинг  
ўзлаштириши даражаси  
ошишига ёрдам  
беролмаяпти. Бу ҳақда  
The Washington Post  
газетаси таълим  
вазирлигининг  
тадқиқот  
натижаларини эълон  
қиласи, дейилади  
Lenta.Ru хабариди.**


## КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ ҲАМ ЁРДАМ БЕРМОЯПТИ

ХУСУСАН, мазкур ҳужжатда кўплаб таълим муассасалари ўқувчилари таълим жараёнинда шахсий компьютерлар ва улардаги қўшимча мосламалар учун чиқарилган ўйинни ва ўргатувчи дастурлар тасирига ҳаддан ташқари берилб кетаётгани таъкидланади.

Бундан ташқари компьютер са-ноатининг гуркираб ривожланишига АҚШ маъмурлиги тасдиқлаган «No child Left Behind» қону-ни талабларини бажаришга инти-лиш ҳам сабаб бўлдаяпти. Маълум-ки, бу қонун олий даражадаги амалдорлар аралашшиб қолган кор-рупция мажароларига олиб келган.

«Ўқувчиларимизга ёрдам бе-ришга мўлжалланган технология-ларнинг лозим даражада самара-ли фойдаланилмаётгани бизни бе-зовга қўлмасдан қолмайди», — деб тадқиқот натижаларини шарҳлай-ди вазирлик вакили.

Ўз навбатида таълим дастурла-ри индустриси вакиллари масъу-лиятни ўзларидан сокит қўлиб, айни мактаб ва олий ўқув юрт-лари ходимларига юкламоқда. Уларнинг фикрича, дастурий таъ-минотини барча имкониятлари-дан фойдаланиш учун ходимларда етарли малака йўқ эмиш...



«БИЗНИ Аффонистондан Гуантанамога ҳаво йўли орқали олиб кетишиди. Чамаси, 30-40 соат парвоз килдик. Кўл-оёқларимизга кишин урилиб, белимизга боғланган эди. Кўриқилар бўйнимизга қандайдир ёпишқоқ нарсани ёпиштириб кўйдилар. У ҳожатга чиқишнинг олдини олади, деб тушунтиридилар. Бирмунча вақтдан сўнг бу ёпишқоқ нарсалар бўйрагимизни зирқириатдан оғрига бошлади. Кўзимизга қора кўзойнак, кулоқларимизга радионуашник, оғиз-бурнимизга маҳсус респиратор тақиб кўйдилар. Парвоз чөнди тутқунлар ҳаво етишмаслигидан бўйлиб ҳушидан кета бошладилар. Чунки респираторлардан ҳаво жуда ҳам кам ўтади. Кубага кўнганимиздан сўнг, бу гайриинсоний парвоз чоғида кўпинча тутқунлар ақжадан озиб келгани маълум бўлди.

Гуантанамода дастлаб бизни «Дельта» концлагеридаги сақладилар.

Бу ерда буқчайиб ўтирадик: туриш, оёқ, чигалини ёзиш, бош кўтариш мумкин эмасди. Кейин биз учун маҳсус қафас-бокслар куришди ва барчамизни ана шу қафасларга жойлаштиридилар.

Сўроқлар тинимсиз давом этарди: бизга бир неча суткалаб уйку бериш мисди. Тутқунлар камерадан камера-га қўчирилганда эса ҳар 15 дақиқада сўроқка чакиришарди, уйку бермай кўйнашарди ва бу ҳолат 3-4 ойгача давом этарди.

Врачлар тушунарсиз жарроҳлик амалларини бажариб, тутқунларнинг соппа-соғ кўл-оёқларини кесиширади. Боз устига, қандайдир эмловлар қилишарди, ундан жигаримиздан даҳшатли оғриқ пайдо бўларди. Чамаси, бизларда аллақандай дориларни синаб кўришарди. Бош оғриғига деб таблетка беришарди-да, кейин ҳамширалар ҳар ярим соатда тана ҳарорати, қон босими, юрак уришини ўлчаб турар-

ди... Негалиги бизга қоронгу эди. Мабодо тутқунлардан кимдир спорт билан шуғулдан бошласа (қафасда тортилиб машқ қилса) дархол уйку дори укол қилишарди, унинг таъсирида оғиздан кўпик оқиб, мушаклар тиришиб қоларди. Бир йиллик шундай азоб-укубатлардан сўнг тутқунлар орасида оммавий равишда ўз жонига қасд қилишлар бошланди. Батзиди борданига 30 киши ўзини-ўзи осиб ўлдирган пайтлар ҳам бўлди.

У кунлар ҳақида бутун эслаш ҳам оғир. Ҳатто энг ёвуз душманинга ҳам бу азобларни рано кўришни истамасдим...

Хабар

**Германиянинг Саксония ўлкасида**

жойлашган Плауен шаҳрида маданий кечак бўлиб ўтди. У Ўзбекистоннинг Германиядаги эзлихонаси ва Плауен шаҳар маъмурияти ҳамкорлигига ташкил этилди.

**ВОДИЙДАГИ ГЎЗАЛ ШАҲАР ТАЪРИФИ**

Нигора КАРИМОВА

ЎЗБЕК халқининг маданий тарихий мероси немис жамоатчилигига катта қизиқиш уйғотнани тадбирда иштирок этган кўп сонли меҳмонларнинг аксарияти, яъни шаҳрнинг сиёсий, ишбилармон ва маданий доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари эътироф этилди.

Ўзбекистоннинг қадимиий тарихи ва замонавий тараккىёти, мустақилик йилларида Республика қўлга киритган ютуқлар, ўзбек халқининг бетакор анъаналари ва уродаатларини қайта тиклаш бўйича давлат раҳбарияти қабул қилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маданий кечак қатнашчиларига атрофлича

Утган ҳафта сергенилиги билан эса қолди. Шашба, якшамба ва ундан кейинги кунлардаги ёмғир ва жала анҳорлар, тоб геллашарининг тўйишиб оқшишига имкон яратди.

Сергам лўйловларда ўт-ўланлар гуркираб ўса бошлади. Бир сўз билан айтганда, баҳор фаслиниң файзи-таровати кун сайн ошиб бормоқиди...

Республика Гидрометеорология маркази маълумотига кўра, будун мамлакатимизда ҳаво ўзғарб туради, ёмғир ёғади. 7 апрелда ёнгинарчилк кутмайди, фақат Тошкент, Сирдарё вилоятларининг айрим жойларидаги киска муддатами ёмғир ёғини мумкин.

Бир кунлик танафафусдан сўнг 8-9 апрелда бутун мамлакат бўйлаб ёмғир ёғади. 10 апрель куни ёнгинарчилк деярни тўхтайди, факат айрим жойлардагина ёмғир ёғини мумкин.

Шамол гарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсади, бўзган кучайиб 15-20 метрларча этиди. Ҳарорат кечалари 15, кундузи 13-18 даражса илк бўлиши кутмайди. Шимолда кечаси 3-8, кундузи 10-15 даража илк бўлади. Республиканинг тозеги худудларидаги ҳаво ўзғарб, вакти-вақти билан ёнгинарчилк бўлиб туради. Қор кўчими ҳавфи бор. Баззи жойларда туман тушади. Ҳарорат кечалари 2 даражса союз билан 3 даража илк ўтасида, кундузи 5-10 даража илк бўлиши мумкин.

маълумот берилди. Таъкидлаш жоизки, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тарихи, Ўзбекистоннинг буюк олим ва мутафаккирлари ижоди, уларнинг жаҳон илм-фани тараккитеига кўшган улкан хиссаси, бетакор тўқимачилик ва ҳалқ амалий санъати улардаги катта қизиқиш ўйғотди.

Анжуман доирасида «Марғилон: водийдаги гўзал шаҳар тарихи» фотокоргизаси тақдимоти ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ташкил этилган Марғилон инсон махсулотлари коллекцияси намояниши ҳам бўлиб ўтди. Немис тилида чоп этилган «Илакчилик шаҳри Марғилон – 2000 ёнда» номли китоб германиялик меҳмонлар эътиборига хавола этилди.

**ОБ-ҲАВО**

Утган ҳафта сергенилиги билан эса қолди. Шашба, якшамба ва ундан кейинги кунлардаги ёмғир ва жала анҳорлар, тоб геллашарининг тўйишиб оқшишига имкон яратди.

Сергам лўйловларда ўт-ўланлар гуркираб ўса бошлади. Бир сўз билан айтганда, баҳор фаслиниң файзи-таровати кун сайн ошиб бормоқиди...

Республика Гидрометеорология маркази маълумотига кўра, будун мамлакатимизда ҳаво ўзғарб туради, ёмғир ёғади. 7 апрелда ёнгинарчилк кутмайди, фақат Тошкент, Сирдарё вилоятларининг айрим жойларидаги киска муддатами ёмғир ёғини мумкин.

Бир кунлик танафафусдан сўнг 8-9 апрелда бутун мамлакат бўйлаб ёмғир ёғади. 10 апрель куни ёнгинарчилк деярни тўхтайди, факат айрим жойлардагина ёмғир ёғини мумкин.

Шамол гарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсади, бўзган кучайиб 15-20 метрларча этиди. Ҳарорат кечалари 15, кундузи 13-18 даражса илк бўлиши кутмайди. Шимолда кечаси 3-8, кундузи 10-15 даража илк бўлади. Республиканинг тозеги худудларидаги ҳаво ўзғарб, вакти-вақти билан ёнгинарчилк бўлиб туради. Қор кўчими ҳавфи бор. Баззи жойларда туман тушади. Ҳарорат кечалари 2 даражса союз билан 3 даража илк ўтасида, кундузи 5-10 даража илк бўлиши мумкин.

**САЛОМАТЛИККА БЕГОНА ЭМАС**

**Жағ-жағ боғ ва экинзорларда, ўйл ва ариқ ёқаларидаги, лаҳтак ерларда кўплаб учрайдиган, бутагуллар оиласига мансуб бир йиллик ўсимликлар туркумига киради. У апрель ойининг охиридан бошлаб гуллайди.**

Шокиржон ИСОКОВ

ЖАҒ-ЖАҒ ўтининг таркибида салмокли миқдорда С ва К витаминлари билан бирга, танин, смола, тира-мин, холин, ацетилхолин, инозит, гископин гликозиди, сапонин, эфир мойлари, диосмин асослари бор. Гиёҳ таркибидаги катор микрозлементлар, организм учун зарур бўлган органик (олма, узум, лимон) кислоталар мавжуд.

Жағ-жағ ҳалқ медицинасида кенг кўламда ишлати-

ладиган гиёҳлардан бирни бўлиб, у дамлама сифатидаги ичилади. Гиёҳнинг ер устки кисмидаги кайнатиб, буғини бод билан оғриган жойларга тутиш ихобий натижалар беради. Қадимиий Тибет табобатида жағ-жағ кўнгил айнишига дори сифатида тавсия этилган.

Шунингдек, жағ-жағ кон босимини тушириб, ичак фаолиятини уйғунлаштиради. Шу боисдан бўлса керак, ҳалқимиз айни навбахор дамлари жағ-жағ ўсимлигининг илдизолиди тўпбар-

ларидан чучвара, кўк сомса ва бошқа таомлар тайёрлаб истеъмол қилишади. Бундай таомларнинг инсон организмига фойдали эканини ҳозирги замон медицинаси ҳам тасдиклиди.

Жағ-жағ киши организмидаги модда алмашиш жараёнини яхшилади, жароҳатларнинг битини тезлаштиради, пешбони ҳайдайди, бўйрак оғрикларига шифоли хисобланади.

Хуллас, жағ-жағ маданий ўтлар орасида бегона



хисобланса-да, саломатлигимиз учун бегона эмас. Ўток чогида уни юлар эканмиз, бу гиёҳнинг шифобахш хусусиятлари ҳам борлигини унутмасак фойдадан холи бўлмайди.

Кураш

**ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ  
ТЕРМИЗДА БЕЛЛАШАДИ**

Ўзбек халқининг миллий қадрияти ва ифтиҳори булган кураш ўз Ватанига яна дунё полвонларини чорламоқда. 12-14 апрель кунлари Термиз шаҳрида ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти совми учун VIII Ал-Ҳаким Ат-Термизий халқаро турнири ҳамда аёллар ўтасида I жаҳон чемпионати томонидаги нафақат халқимизнинг, балки чет эллик курашчиларнинг ҳам орзикеб кутаётган мусобакаси саналади.

Элмурод ЭГАМҚУЛОВ

АСЛИДА кураш қон-қонимизга сингиб кетган қадрият. Агар беллашувларга маҳшур полвон келса борми, неча ҷақирим бўлса ҳам томошага етиб борамиз. Шу маънода мусобакалар ўтадиган Термиз шаҳридаги «Ал-

номиш» стадиони бу гал ҳам минг-минглаб муҳлислар билан тўлиб-тошиши, шубҳасиз. Ахир Абдулла Тантриев, Давлат Чориев, Уткир Курбонов сингари алп полвонларини курашини ким ҳам хаяжон билан кузатмайди, дейсиз? Ҷеки ҳалқимизга аллақачон танилиб улугрган хорижлик полвонлар — эронлик Сайд Ҳисрави Нажот, Ҳусайн Али Акбарий, африкалик Гери Эндирихольд, грециялик Олимпиада чемпиони Василис Ильядис, Буюк британиялик Даррин Ричардсон каби полвонларнинг такорланмас беллашувлари-чи?..

Ҳа, кураш ўзининг жозибаси билан беш қитъани «забт этди». Ҳозир Термиз шаҳрида меҳмонларни кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кетмоқда. 30 га яқин давлатдан ташриф буорадиган курашчиларга олий даражада меҳмоннавозлик кўрсатиш тадориклари кўриляпти.

Биласизми?

**БОШ МУҲАРИР**

Сироҳиддин РАУПОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЬАТИ**

Маъруфжон УСМОНОВ

Киём НАЗАРОВ

Жамолиддин ҲАКИМОВ

Рифат САРБАЕВ

Рустам ҚОСИМОВ

Норбобо ШАКАРОВ

Бехзод ҲОТАМОВ

Нурали ШОДИЕВ

**МУАССИСЛАР**

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти

Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги

Давлат ва жамият курилиши

академияси

Ўзбекистон Республикаси

Нодавлат нотижорат ташкиллар милий асоциацияси

Ўзбекистон мустакил босма оммавий ахборот воситалари

ва ахборот агентликлари

ни ривожлантириш ва

қўллаб-куватлаш жамоат

фонди

Ўзбекистон Савдо-саноат

палатаси

Тадбиркорлар ва ишбила-

рмонлар ҳаракати — Ўзбекис-

тон Либерал-демократик

партияси

“Фуқаролик жамияти —

Гражданское общество —

Civil society” журнали

**НАВБАТЧИ МУҲАРИР**

Абдували КУТБИДИНОВ

**ДИЗАЙНЕР**

Хабибжон БОЛТАЕВ

**НАВБАТЧИ**

Элмурод ЭГАМҚУЛОВ

«Шарқ» нашриёт акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма раками Г-336

Адади: 8018

Газета “Фуқаролик жамияти

— Гражданское общество

— Civil society”

журналининг ҳафтилини иловаси.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига 2006 йил 0010-рекам билан рўйхатга олинган.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳхўчаси, 45-йй.

Маълумот учун телефонлар:

132-60-98, 132-60-74.

Электрон почта:

jamiat@mail.ru

«Жамият» дан олинган

маълумотларда манба сифатида газета номи

кўрсатилиши шарт.

① — тижорат белгиси


Топшириш вақти: 20.00

Топширилган вақти: 00.45



КОМПАНИЯЛАР ВА КОРПОРАЦИЯЛАР УЧУН ТАРИФ РЕЖАЛАРИ

# КОРПОРАЦИЯ



"КОРПОРАЦИЯ" – ИШИНГИЗ  
ТҮҒРИСИДА КҮПРОК, МОБИЛ  
АЛОҚА ҲАҚИДА ЭСА КАМРОК,  
ҮЙЛАШ ИМКОНИ

## НАРХЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ АРЗОНЛАШУВИ!

**КОРПОРАЦИЯ 500**

10 Абонент тўлови - \$~~12~~ (ойига) 500 имтиёзли дақиқа учун

**КОРПОРАЦИЯ 1000**

20 Абонент тўлови - \$~~24~~ (ойига) 1000 имтиёзли дақиқа учун

ЎРНАТИЛГАН ЛИМИТДАН ТАШҚАРИ (1 дақиқа учун):

Барча мобил рақамлардан кирувчи алоқа\* - \$0

Барча мобил рақамларга чиқувчи алоқа\*\* - \$0,02

Корпоратив гурӯҳ ичida чиқувчи алоқа - \$0,01

Эслатма:

\* Ўзбекистон бўйича Ўзбекистон ҳудудидаги барча уяли алоқа операторлари абонентларидан бўлган кўнгироқларда ва операторга тегишли префикс тўғри берилганда

\*\* Рақамлар операторларнинг қўйидаги префикслари билан терилганда: 998 90, 998 93, 998 95, 998 98

\*\*\* Таклиф МТС-Ўзбекистон тармогидаги 5 ва ундан ортиқ актив рақамларга эга бўлган юридик шахслар учун ҳақиқийдир

## МТС-ЎЗБЕКИСТОН – СИНОВДАН ЎТГАН СИФАТ!

Батафсил маълумотни [WWW.MTS.UZ](http://WWW.MTS.UZ) сайтида кўриш мумкин

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Уздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади

Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади. Нархларга барча солиқлар киритилган.

